



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАЗОНИ ЕНГИЛРОҒИ БИЛАН АЛМАШТИРИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Зиёда Тўрабаева**

Катта ўқитувчи, Тошкент давлат юридик университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
saarlandesziyoda@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10434185>

### ARTICLE INFO

Received: 19<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 26<sup>th</sup> December 2023

Online: 27<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

*Вояга етмаган, жазодан озод қилиш, енгилроқ жазо билан алмаштириш, шартли равишда озод қилиш.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада вояга етмаган шахсларга нисбатан жазони енгилроғи билан алмаштириш институтини қўллаш, ушбу институтни қўллашда вужудга келаётган муаммолар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси, вояга етган шахсларга умумий асосларда жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллашдан ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатларини ўрганиш асосида мазкур институтни такомиллаштириш масалалари ёритилган ва қонунчиликка таклифлар ўз ифодасини топган.*

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича БМТ асосий принциплари конкрет ҳолатларни универсал тарзда белгилаб берувчи принципларни ўз ичига олади. Уларга кўра, вояга етмаганларни озодликдан маҳрум қилиш мумкин, лекин катта эътибор шунга қаратилиши керакки, озодликдан маҳрум қилиш энг охирги ва фавқулодда восита бўлиши шарт ҳамда қисқа муддатли бўлиши керак [1].

Жазони енгилроғи билан алмаштириш суднинг ҳукмига кўра тайинланган жазо турининг қолган қисмини енгилроқ турдаги жазо билан алмаштириб жазодан озод қилишдан иборат. Жиноят кодекси 90-моддасининг мазмунига кўра ушбу модда фақат жиноят содир этган вақтда ўн саккиз ёшга тўлмаган, тузалиш йўлига қатъий ўтиб олган ва энди ушбу жазо турини ўташи мақсадга мувофиқ эмас, балки уни тарбиялаш жараёнини бошқа енгилроқ турдаги жазо билан алмаштириб давом эттириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинганида қўлланилади. Ушбу моддага мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Енгилроқ жазо билан алмаштириш деганда, ҳукм бўйича тайинланган бир турдаги жазонинг қолган қисмини, ўша жазога нисбатан бошқа енгилроқ турдаги жазо билан алмаштириш тушинилади. Бир турдаги жазо шу турдаги жазонинг камроқ қисми билан алмаштирилиши мумкин эмас. Жиноят кодекси 81-моддасида белгиланишича, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазо турлари қўлланилади:



- 1) жарима;
- 2) мажбурий жамоат ишлари;
- 3) ахлоқ тузатиш ишлари;
- 4) озодликни чеклаш;
- 5) озодликдан маҳрум қилиш.

Ушбу моддага кўра ахлоқ тузатиш ишларидан энгилроқ бўлган жазо – жарима ҳисобланади. Аммо ахлоқ тузатиш иши суд ҳукмида белгиланган муддат мобайнида жараён сифатида ўталади. Жарима эса алоҳида жазо тури ҳисобланади. Лекин жиноят қонунига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларининг қолган қисми жарима жазоси билан алмаштирилиши мумкин. Жазонинг ўталмаган қисмини энгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин.

ЎЗР ЖПК нинг 536-моддасида белгиланишига кўра, жазонинг ўталмай қолган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан судья томонидан қўлланилади. Ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва Болалар масалалари бўйича миллий комиссиясининг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан кўриб чиқилади. Жазонинг қолган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида тақдим этилган илтимосномалар рад этилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач қайта кўриб чиқилиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилишнинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, алмаштирилган жазонинг муддати шу жазо тури учун кўрсатилган муддатлар доирасида тайинланади. Яъни, алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари 83-моддадаги муддатлардан кўп бўлмаслиги керак. Озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, алмаштирилган жазо муддати озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисмининг муддати билан тенг бўлиши керак. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан жазоси энгилроғи билан алмаштириш бўйича статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилда 83 нафар, 2019 йилда 35 нафар, 2020



йилда 49 нафар, 2021 йилда 76 нафар, 2022 йилда эса 82 нафар шахсга нисбатан қўлланилган. Мазкур кўрсаткич жами судланган шахслар – 2018 йилда 1008 нафар, 2019 йилда 677 нафар, 2020 йилда 728 нафар, 2021 йилда 1688 нафар, 2022 йилда эса 1947 нафарни ташкил этгани ҳолда, йиллар кесимида 2018 йилда жами судланганлар орасида жазоси энгилроғи билан алмаштирилганлар улуши 8,2 %, 2019 йилда 5,1%, 2020 йилда 6,7%, 2021 йилда 4,5%, 2022 йилда 4,2 %ни ташкил этмоқда.

Жазо энгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан энгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлинганидан кейин ЖКнинг 89-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин. Жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб жиноят содир этганлар энгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин Жиноят Кодексининг 89-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин. ЖКнинг 89-моддасида жазодан озод қилишнинг яна бир тури ҳисобланган жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб жиноят содир этганлар учун қўллаш асослари ва шартлари белгиланган бўлиб агар маҳкумга жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилиши натижасида тайинланган энгилроқ жазони ЖКнинг 89-моддасида белгиланган қисмини ўтаган бўлса, маҳкумга жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб жиноят содир этган шахсга нисбатан жазони энгилроқ жазо билан алмаштирилганда шахс тайинланган энгил жазони ўташ вақтида қасддан янги жиноят содир қилса, Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланади[2]. Аммо бунда алмаштирилган энгилроқ турдаги жазонинг ўталган қисми ҳам жазо муддатига қўшиб ҳисобланади.

Яна бир муаммо борки, бу ҳам бўлса, ЖКнинг 74-моддаси тартибида энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс, алмаштирилган энгилроқ жазони ўташ вақтида янги жиноят содир қилса, жазоларни жамлаш масаласи қандай ҳал қилинади?

Жиноят кодексининг 74-моддасида белгиланишига кўра, жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазони ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60- моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди, дейилади. Бу ерда иккита муҳим савол туғилади:

1. Шахс янги жиноят содир қилган тақдирда кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазога олдинги ҳукми алмаштириш вақтида қолган қисмини қўшадими ёки алмаштирилган жазонинг ўталмай қолган қисмини қўшадими?

2. Қонунда энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди, дейилади. Эҳтиётсизликдан янги жиноят содир қилса-чи? Яъни озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган шахс эҳтиётсизликдан жиноят содир этса, янги жиноят учун жазо тайинлашнинг муносабати билан олдинги жинояти учун тайинланган жазодан автоматик равишда озод бўлиб кетаверадими?

Бизнинг фикримизча, қонунда бу камчилик бартараф қилиниши ва Жиноят кодексининг 74-моддаси еттинчи қисмидаги “қасддан” деган сўзлар бу моддадан



чиқариб ташланиши керак. Ана шундай амалиёт билан қонун бир-бирига мос бўлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида айтилган қарорида берилган тушунтиришда янги содир этилган жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинишига аҳамият берилмайди. Шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида энгилроқ жазо билан алмаштирилган бўлиб, алмаштирилган жазони ўташ вақтида янги жиноят содир этса, бизнинг фикримизча, дастлабки тайинланган жазонинг қолган қисмини эмас, балки алмаштирилган энгилроқ турдаги жазонинг қолган қисми – янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига тўла ёки қисман қўшиб, қатъий жазо тайинланади[3].

Бошқача айтганда, ЖК 74-моддасининг еттинчи қисми ва 90- моддасининг олтинчи қисмига кўра жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

ЖК 60-моддасининг биринчи қисмига кўра агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб янги жиноят содир этса суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади[4].

Бироқ ЖКда жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган ҳолларда жазо тайинлаш тартиби назарда тутилмаган[5]. Жиноят қонунининг жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига кўра қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Шундан келиб чиққан ҳолда ЖКда жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган ҳолларда ҳам ЖК 60-моддаси қоидаларига мувофиқ суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо тайинланишини назарда тутувчи ўзгартиш киритилиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, ЖК 74-моддасида озодликдан маҳрум этиш айнан қайси жазолар билан алмаштирилиши мумкин ва унинг бир суткаси ёки бир ойи бошқа жазоларнинг қанча миқдорига мос келишини аниқ кўрсатиш лозим. Шунингдек ахлоқ тузатишнинг қанча муддати бошқа жазоларнинг айнан қанча миқдорига тўғри келишини ушбу моддада аниқ кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу масала ечимлари ЖКнинг айрим моддаларида қайси жазо бошқа жазонинг қанча миқдорига тўғри келиши кўрсатилган бўлса-да, айрим жазоларнинг бошқа жазоларнинг қанча муддатига тўғри келиши кўрсатилмаган.

## References:

1. Защита прав ребенка в системах уголовного правосудия// Руководство для обучения и справочно-информационный ресурс для специалистов и должностных лиц,



- принимающих участие в разработке политики в области правосудия для детей - Лондон. Международная тюремная реформа (Penal Reform International) 2013г. -200с.
2. Турабаева, З. 2023. История развития освобождения от уголовной ответственности либо наказания несовершеннолетних. *Общество и инновации*. 4, 7/S (авг. 2023), 194–203. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss7/S-pp194-203>.
3. Kumriniso Abdurasulova, ., & Razia Buranova, . (2023). ANALYSIS, ASSESSMENT AND FORECAST OF THE CRIMINAL SITUATION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 5(07), 47–58. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume05Issue07-09>
4. Kahraman N. ÇOCUK HAKLARININ KORUNMASINDA ÇOCUK OMBUDSMANLIĞININ ÖNEMİ: NORVEÇ VE TÜRKİYE ÇOCUK OMBUDSMANLIĞI KARŞILAŞTIRMASI //Akademik Yaklaşımlar Dergisi. – 2020. – Т. 11. – №. 2. – С. 185-203.
5. Турабаева , З. 2022. Освобождение несовершеннолетних от уголовной ответственности или наказания с применением принудительных мер в Узбекистане. *Общество и инновации*. 3, 11/S (дек. 2022), 253–259. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss11/S-pp253-259>.
6. Miruktamova, F. ., & Tarasova, A. . (2022). International legal standards of justice for children: their formation and content. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 4(02), 19–26. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume04Issue02-04>